

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017.Т.10.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ТУРДАЛИЕВ ВОХИДЖОН МАХСУДОВИЧ

**ТУПРОҚҚА ИШЛОВ БЕРАДИГАН ВА САБЗАВОТ ЭКИНЛАРИНИ
ЭКАДИГАН КОМБИНАЦИЯЛАШГАН МАШИНАНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШНИНГ ИЛМИЙ-ТЕХНИК ЕЧИМЛАРИ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2018

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the Doktoral (DSc) Dissertation Abstract

Турдалиев Вохиджон Махсудович

Тупроққа ишлов берадиган ва сабзавот экинларини экадиган
комбинациялашган машинани ишлаб чиқишнинг илмий-техник
ечимлари.....3

Турдалиев Вохиджон Махсудович

Научно-технические решения разработки комбинированной
машины для обработки почвы и посева овощных культур.....27

Turdaliyev Voxidjon Maxsudovich

Scientific and technical solutions for the development of a combined
machine for soil processing and sowing vegetable crops.....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works54

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017.Т.10.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ТУРДАЛИЕВ ВОХИДЖОН МАХСУДОВИЧ

**ТУПРОҚҚА ИШЛОВ БЕРАДИГАН ВА САБЗАВОТ ЭКИНЛАРИНИ
ЭКАДИГАН КОМБИНАЦИЯЛАШГАН МАШИНАНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШНИНГ ИЛМИЙ-ТЕХНИК ЕЧИМЛАРИ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2018

Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/T59 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.timi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Джураев Анвар Джураевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ризаев Анвар Абдуллаевич
техника фанлари доктори, профессор

Абдазимов Анвар Даниярович
техника фанлари доктори, доцент

Муродов Нусрат Муртазович
техника фанлари доктори, доцент

Етақчи ташкилот:

Андижон қишлоқ хўжалик институти

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc. 27.06.2017.Т.10.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси 39 уй. Тел.: (+99871) 237-09-45, факс: (+99871) 237-38-79, e-mail: admin@tiame.uz).

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (+99871) 237-09-45, факс: (+99871) 237-38-79, e-mail: admin@tiame.uz).

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2018 йил 06 апрелдаги №6 рақамли реестр баённомаси).

Б.С. Мирзаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор в.б.

Б.М. Худаяров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, т.ф.д., доцент

А.А. Ахметов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., к.и.х.

КИРИШ (Докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда сабзавот маҳсулотларини етиштиришнинг самарали технология ва техникаларини яратиш асосида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатини ошириш муҳим ҳисобланади. «Сабзавотчиликни ривожланиш тенденциясига асосан, дунё бўйича 1,5 млрд. тоннадан кўпроқ сабзавот маҳсулотлари 60 млн. гектардан зиёд майдонда етиштирилмоқда»¹. Евроосиё иқтисодий иттифоқининг ташхисига кўра «2018 йилда сабзавот экинларини етиштириш 2015 йилга нисбатан 654,3 минг тоннага ёки 2,4% ортиши кутилмоқда»². Ушбу йўналишда дунё бўйича сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уни истеъмол қилиш даражасининг ортиб бориши сабабли сабзавот экинларидан юқори ҳосил олиш учун тупроққа сифатли ишлов берадиган ва экадиган ресурстежамкор, техник ва технологик жиҳатдан модернизациялашган техника воситаларини тадбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда сабзавот экинларини экиш технологик жараёнлари, экиш олдида тупроққа ротацион ишчи қисмлар билан жиҳозланган машиналар билан ишлов бериш, сабзавот экинлари уруғларини тупроқ остига белгиланган чуқурлик ва меъёрларда аниқ экиш, уларни дала юзасида бир текис тақсимланишини таъминлайдиган техника ва технологияларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу соҳада, жумладан сабзавот экинлари уруғларини тупроққа бир йўла ишлов бериб экиш усули билан энергия тежамкорлигини, тупроққа сифатли ишлов бериш, экиш аппаратларининг барқарор ишлашини таъминлаш ва уруғларни белгиланган меъёрда экиш усуллари билан ресурстежамкорликни таъминлаш каби йўналишларда мақсадли илмий изланишларни амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамизда ерлардан унумли фойдаланиш, қишлоқ хўжалик экинлари, жумладан сабзавот экинларидан юқори ҳосил олишни таъминлайдиган замонавий, юқори самарадорликка эга бўлган ресурстежамкор техника ва технологияларни тадбиқ этишга алоҳида эътибор берилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... 2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмини икки баробардан зиёд кўпайтириш, ... 2017-2020 йилларга мўлжалланган экин майдонларини оптималлаштириш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, замонавий интенсив агротехнологияларни жорий этиш»³ вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифани бажаришда, жумладан бир ўтишда тупроққа сифатли ишлов берадиган ва экадиган техника воситаларини техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш ҳисобига сабзавот экинларидан юқори ҳосил олиш ва унинг таннархини пасайтириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги

¹ www.vegetables.su/jour/article/viewFile/167/170

² www.eurasiancommission.org/ru/act/prom_i_agroprom/dep_agroprom/monitoring/Documents_2017-2018.pdf

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2016 йил 23 декабрдаги ПҚ-2694-сон «2016-2020 йиллар даврида қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 7 июлдаги ПҚ-3117-сон «Қишлоқ хўжалигида машинасозлик соҳаси илмий-техникавий базасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 21 августдаги ПҚ-3230-сон «2018 йил ҳосили учун август пиёзи ва саримсоқпиёз ҳамда тўқсонбости усулида сабзаёт экинларини жойлаш-тириш, экиш учун талаб этиладиган моддий-техника ресурсларини ўз муддатида етказиб бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятларга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи⁴. Тупроққа экиш олдида ишлов бериш ва майда уруғли сабзаёт экинларини экиш технологиялари ва техника воситалари ҳамда занжирли узатмаларни янги конструкцияларини яратиш бўйича жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Plant, Soil and Nutrition Research, The Agricultural Research Institute exemplifies the California (АҚШ), The Institute of agricultural engineering, University of Bristol (Буюк Британия), Agricultural and Food Sciences - University of Milan (Италия), Lemken Ltd, (Германия), Agricultural Research Institute (Кипр), Tsubakimoto Chain компанияси (Япония), China Agricultural University (Хитой), Пенза давлат қишлоқ хўжалиги академияси, Кубан давлат техника университети (Россия), Қозоғистон механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти (Қозоғистон), Андижон ва Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтлари, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон) томонидан кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Сабзаёт экинлари уруғларини экиш, тупроққа ишлов бериш техника ва технологияларини яратиш бўйича жаҳонда олиб борилаётган илмий тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: тупроққа ишлов берадиган фаол ротацион (фрезали) машиналар-нинг ишчи қисмларининг параметрларини аниқлаш услублари ишлаб чиқилган (Lemken Ltd, Германия; The Institute of agricultural engineering, Буюк Британия;

⁴ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <https://www.arc.sci.eg/researchstations.aspx?&lang=en>; http://www.technology.heartland.edu/faculty/chris/m/mechanical_main_102/chain_bristol_university.pdf; <http://tsubakimoto.com/power-transmission/drive-chain/standard/roller-chain>; www.uni-hohenheim.de/institution/institut-fuer-agrartechnik; http://www.moa.gov.cy/moa/ari/ari.nsf/index_en/index_en?opendocument; <http://www.ars.usda.gov/northeast-area/beltsville-md/beltsville-agricultural-research-center>; <https://ari.calstate.edu>; <http://www.unimi.it/eng/university/29514.htm>; pgsha.penza.net ва бошқа манбалар асосида фойдаланилган.

Agricultural Research Center, Миср); майда уруғли сабзаёт экинларини экадиган машиналарнинг конструкциялари ишлаб чиқилган (Пенза давлат қишлоқ хўжалиги академияси, Россия); бир ўтишда тупроққа экиш олдидан ишлов бериш ва экиш жараёнларини қисқа агротехник муддатларда сифатли бажарилиши натижасида ҳосилдорликни ошириш усуллари ишлаб чиқилган (Plant, Soil and Nutrition Research, The Agricultural Research Institute exemplifies the California, АҚШ; Agricultural and Food Sciences - University of Milan, Италия; Agricultural Research Institute, Кипр); машиналарнинг узатиш механизмларида ишлатиладиган занжирли узатмаларнинг янги конструкциялари яратилган, иш қобилиятлари, чидамлилиги ва мустаҳкамлигини ошириш усуллари ишлаб чиқилган (China Agricultural University, Хитой; Tsubakimoto Chain компанияси, Япония; Кубан давлат техника университети, Россия).

Жаҳонда тупроққа экиш олдидан ишлов бериш, сабзаёт экинлари уруғларини экиш технологиялари ва техника воситаларини такомил-лаштириш, занжирли узатмаларнинг янги самарали конструкцияларини ишлаб чиқиш бўйича қатор, жумладан куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ерларни экишга тайёрлашда энергия тежамкорликни таъминлайдиган техник ечимларни ишлаб чиқиш; уруғларни бир хил чуқурликда экилишини таъминлайдиган машиналарнинг конструкциясини ишлаб чиқиш; механик таркиби оғир бўлган тупроқларга ишлов берадиган ротацион ишчи қисмлар билан жиҳозланган машиналарни такомиллаштириш; ротацион ишчи қисмларнинг узатиш механизмлари учун занжирли узатмаларнинг янги самарали конструкцияларини ишлаб чиқиш; бир ўтишда тупроқни экишга тайёрлайдиган ва уруғларни экадиган замонавий энергия-ресурстежамкор комбинациялашган машиналарни ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё амалиётида тупроққа ишлов бериш ва сабзаёт экинлари уруғларини экиш жараёнларини сифатли бажарилишини таъминлайдиган турли машина ҳамда ишчи қисмлар ишлаб чиқилган. Улар конструкторлик ташкилотларига янги машиналарни яратиш учун тавсия этилган. Тупроққа ротацион ишчи қисмлар билан ишлов берадиган машиналарни ишлаб чиқиш ва ишчи қисмларининг параметрларини ўрганиш масалалари бир қатор олимлар, жумладан, G.Weise, Q.Kuan, D.Weimin, F.Zhichao, D.Taotao, Z.Siqi, Ф.М.Канарев, Г.Н.Синеоков, В.И.Ветохин, W.Shone, A.Eggmuller, H.Bernacki, Г.М.Рудаков, Р.И.Бойметов, А.Хамидов, А.Тўхтақўзив, А.А.Ахметов ва бошқаларнинг ишларида кўриб чиқилган. Бу ишларда фақатгина тупроққа ишлов бериш машиналари ўрганилган.

Майда уруғли сабзаёт экинларини экадиган машиналарнинг конструкцияларини ишлаб чиқиш, синаш ва ишчи қисмларининг параметрларини асослаш бир қатор олимлар, жумладан, А.Б.Чапаев, С.И.Соченёв, П.В.Краснешеков, В.М.Гусев, Г.М.Бузенков, Е.И.Борщенко, А.Қорахонов, А.Ибрагимов ва бошқаларнинг ишларида кўриб чиқилган.

Машиналарнинг узатиш механизмларидаги занжирли узатмаларнинг конструкцияларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва уларни ҳисоблаш усуллари бўйича Н.С.Ачеркан, Н.В.Воробьев, И.И.Ивашков, Г.Б.Столбин,

А.А.Готовцев, П.Н.Учаев, И.А.Шедов, Н.В.Мевша, В.Е.Усова, А.Д.Джураев, А.Мамаханов ва бошқалар шуғулланишган. Аммо мазкур тадқиқотларда узатиш механизмларининг керакли ҳаракат қонунларини таъминлаб берадиган етакланувчи юлдузчаси таркибли бўлган занжирли узатма билан жиҳозланган комбинациялашган машинани қўллаб бир ўтишда тупроққа экиш олдидан ишлов бериш ва майда уруғли сабзаёт экинларини экиш масалалари етарли ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-қурилиш институтининг тадқиқот ишлари режасининг А-13-123 “Тупроққа экиш олдидан ишлов бериш энергия тежамкор технологиясини ишлаб чиқиш ва комбинациялашган агрегатни яратиш” (2006-2008) ва А-9-006 “Тупроққа экиш олдидан ишлов бериш ҳамда майда уруғли экинларни экиш технологиясини ишлаб чиқиш ва комбинациялашган агрегатни яратиш” (2015-2017) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тупроқнинг уваланиш даражаси ва майда уруғли сабзаёт экинларини (пиёз уруғи мисолида) экиш сифатини оширадиган, энергия-ресурстежамкорликни таъминлайдиган комбинациялашган машина конструкциясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сабзаёт экинлари уруғларини экишнинг мавжуд усуллари, сеялкаларининг конструкциялари, тупроққа ишлов берадиган фрезали ишчи қисмлар, занжирли узатмаларнинг конструкциялари ва технологик иш жараёнларининг афзалликлари асосида бир ўтишда тупроққа ишлов берадиган ва майда уруғли сабзаёт экинлари уруғларини экадиган комбинациялашган машинага қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш;

тупроққа экиш олдидан ишлов берадиган ва сабзаёт уруғларини экадиган комбинациялашган машинанинг конструкциясини ишлаб чиқиш ва параметрларини асослаш;

фрезали барабан узатиш механизми учун тупроққа қўшимча ўзгарувчан импульс куч билан таъсир этиб, унинг уваланиш даражасини ортишини таъминлайдиган занжирли узатманинг янги самарали конструкциясини ишлаб чиқиш;

машина агрегатининг ҳисоб схемасини ҳамда фрезали ва парракли барабанларнинг ҳаракат қонунларини ифодаловчи аналитик боғланишларни ишлаб чиқиш;

занжирли узатмаси ўзгарувчан параметрли бўлган комбинациялашган машина ишчи қисмларнинг параметрларини ишлаб чиқиш;

такомиллаштирилган комбинациялашган машина иш кўрсаткичларини белгилайдиган агротехник талабларни ишлаб чиқиш;

ўтказилган тадқиқотлар натижасига асосан комбинациялашган машинанинг параметрлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тупроқ, сабзаёт экинлари уруғларининг физик-механик хоссалари, комбинациялашган машина ва унинг ишчи қисмлари ҳамда технологик иш жараёнлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини комбинациялашган машина ишчи қисмларининг тупроқ билан таъсирлашиш жараёнларини ифодаловчи математик моделлар, иш кўрсаткичларини ўзгариш қонуниятлари, занжирли узатмаси таркибли юлдузчали бўлган машина агрегатининг ҳисоб схемаси ва математик модели ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида назарий механика, машина ва механизмлар назарияси, машина деталлари, олий математика, математик таҳлил ва математик статистика, қишлоқ хўжалик техникаларини синаш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

дала юзасида майин тупроқли қатлам ҳосил қиладиган фрезали барабан узатиш механизми учун занжирли узатмаларнинг янги конструкциялари ишлаб чиқилган;

дала юзасида майин тупроқли қатлам ҳосил қиладиган фаол ротацион ишчи қисмларнинг параметрлари конструктив хусусиятлари ва технологик жараёнларни инобатга олинган ҳолда асосланган;

етакланувчи юлдузчаси таркибли бўлган занжирли узатманинг кинематик ва динамик параметрлари ишлаб чиқилган;

комбинациялашган машина ишчи қисмларининг энергиятежамкорлигини ва майин тупроқли қатлам ҳосил қилишини ҳамда уруғларни текис тақсимланишини таъминлайдиган мақбул параметрлари асосланган;

дала юзасида майин тупроқли қатлам ҳосил қиладиган ва майда уруғли сабзаёт экинларини сифатли экадиган энергия-ресурстежамкор комбинациялашган машина ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бир йўла тупроққа экиш олдидан ишлов берадиган ва майда уруғли сабзаёт экинларини экадиган комбинациялашган машина ишлаб чиқилган ва у ишчи қисмларининг параметрларини ҳисоблашнинг усуллари такомиллаштирилган;

экиш олдидан тупроққа юза ишлов бериб, дала юзасида майин тупроқли қатлам ҳосил қиладиган ҳамда занжирли узатмасининг етакланувчи юлдузчаси таркибли бўлган фрезали барабан конструкцияси такомиллаштирилган;

сабзаёт экинлари уруғларини белгиланган чуқурликда экиш, текис юзали экиш эгатини шакллантириш усули ишчи органларнинг геометрик ва кинематик параметрларини экиладиган юзанинг профилига мослаш ҳисобига такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, машинанинг параметрлари ва иш режимларини назарий жиҳатдан асослаш назарий механика ва олий математика қоидалари асосида амалга оширилганлиги, тажрибалар натижаларига математик статистика услублари билан ишлов берилганлиги, назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларининг ўзаро адекватлиги, бажарилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган комбинациялашган машина синовларининг ижобий натижалари ва амалиётда жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фрезали барабаннинг занжирли узатмасидаги етакланувчи юлдузчаси таркибли бўлган тупроққа экиш олдидан ишлов берадиган ва сабзавот экинларини экадиган комбинациялашган машина ишлаб чиқилганлиги ҳамда назарий ва тажрибавий изланишлар асосида у ишчи қисмларининг параметрлари асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тупроққа экиш олдидан ишлов берадиган ва сабзавот экинларини экадиган комбинациялашган машина қўлланилганда дала юзасида майин қатламли тупроқ ҳосил бўлиши, сабзавот экинлари уруғларини белгиланган чуқурликка экиш, иш унумининг ортиши, сарф харажатлар камайиши ва самарадорликни юқори бўлиши таъминланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Майин тупроқли қатлам ҳосил қиладиган ва майда уруғли сабзавот экинларини экадиган комбинациялашган машина ишлаб чиқишнинг илмий-техник ечимларини натижалари асосида:

бир ўтишда тупроққа ишлов берадиган ва сабзавот экинларини экадиган комбинациялашган машина конструкцияси «ВМКВ-Agromash» АЖГа ишлаб чиқаришга топширилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 08 майдаги 02/023-19-сон маълумотномаси). Натижада тупроққа экиш олдидан ишлов берадиган ва майда уруғли сабзавот экинларини экадиган КА-2,8 комбинациялашган машинани ишлаб чиқиш имкони яратилган;

конструкциясида фаол фрезали ва парракли барабанлари бўлган тупроққа экиш олдидан ишлов берадиган ва сабзавот экинларини экадиган комбинациялашган машина Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Наманган вилояти Поп ва Наманган туманларидаги «Шомозор Зухро Юлдузи» ва «Валижон Азизов» фермер хўжаликларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 08 майдаги 02/023-19-сон маълумотномаси). Натижада тупроқ таркибидаги 25 мм дан кичик бўлган фракциялар миқдори 87 % га ортиши билан дала юзасида майин тупроқли қатлам ҳосил қилиш ва уруғларни 1,5-2 см чуқурликка экиш имкони яратилган;

пассив ишчи қисмли бир ўтишда тупроққа экиш олдидан ишлов берадиган ва сабзавот экинлари уруғларини экадиган КА-2,8 комбинациялашган машина Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзбекистон қишлоқ хўжалик техникаси ва технологияларини сертификациялаш ва синаш давлат маркази» далаларига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 08 майдаги 02/023-19-сон маълумотномаси). Натижада 7,5 см чуқурликда ишлов бериш, дала юзасидаги майин тупроқли қатламга пиёз уруғини 2,0 см чуқурликка экиш ва техник топшириқда белгиланган талабларни бажариш имкони яратилган;

фрезали барабанининг узатиш механизмида таркибли етакланувчи юлдузчаси бўлган дала юзасида майин тупроқли қатлам ҳосил қиладиган тупроққа экиш олдидан ишлов берадиган ва сабзавот экинларини экадиган

комбинациялашган машина Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Наманган вилояти Поп туманидаги «САЛОМАТА.А.А» фермер хўжалигида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 08 майдаги 02/023-19-сон маълумотномаси). Натижада тупроқни юмшатиш ва экишда меҳнат сарфини 1,56 мартага камайтириш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 3 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган. Ишланма 2017 йилда X Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида намойиш этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 2 та фойдали моделга патент олинган, 27 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 13 та мақола, жумладан, 2 таси хорижий, 11 таси республика журналларида ва 1 та монография нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта бобдан, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 191 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предметлари аниқланган, республика фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Майда уруғли сабзаёт экинларини экадиган ва тупроққа экиш олдидан ишлов берадиган қурилмалар ҳамда уларнинг узатиш механизмлари**» деб номланган биринчи бобида сабзаёт экинларини экиш усуллари ва сеялкалари ҳамда улар экичлари конструкцияларининг таҳлили ва классификацияси келтирилган. Ўтказилган адабиётлар таҳлили натижасида майда уруғли экинларни экиш жараёнининг баъзи жиҳатлари аниқланган. Шу билан бир қаторда тупроққа экиш олдидан ишлов берадиган фрезали ишчи қисмларнинг таҳлили ва қишлоқ хўжалиги машиналарида қўлланиладиган занжирли узатмаларнинг конструктив хусусиятлари ўрганилган.


Ўтказилган таҳлиллар асосида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин: майда уруғли экинларни экиш учун тасмали экиш усули истиқболли бўлиб, ўсимлик озикланиш майдонини мақбул бўлиши ва уларни униб чиқишини яхшилайтиди; экиш машинасининг ишчи қисмлари тасманинг белгиланган кенлиги бўйича

уруғларни бир текис тақсимланиши ва уруғларни белгиланган чуқурликка бир текис экилишини таъминлаши лозим; уруғларни тасма кенглиги бўйича бир текис тақсимланиши ҳамда уларни белгиланган чуқурликка экилиши кўп жиҳатдан тупроқ юзасини сифатли юмшатилиши ва текисланишига боғлиқ; тупроққа экиш олдидан ишлов беришда фаол ротацион ишчи қисмлардан фойдаланиш юқори самара беради; тупроққа экиш олдидан ишлов берадиган ва майда уруғли экинларни экиш бўйича машина ва агрегатларда ўзгарувчан параметрли занжирли узатмалар қўлланилса энергияҳажмдорлик камаяди ҳамда кесакларни яхши майдаланиши таъминланади.

Диссертациянинг «**Комбинациялашган машина ишчи қисмларининг параметрларини назарий асослаш**» деб номланган иккинчи бобида комбинациялашган машинанинг конструктив схемасини ишлаб чиқиш ва у ишчи қисмларининг параметрларини асослаш бўйича тадқиқот-ларнинг натижалари келтирилган.


Комбинациялашган машина тўртта секциядан ташкил топган бўлиб, ҳар бир секция (1-расм) рамага кетма-кет ўрнатилган фрезали ва парракли барабанлар, уруғ бункери, уруғ нови, тўсиқ, эгат очкич ва цилиндрик ғалтакмоладан иборат. У қуйидаги тартибда ишлайди: иш жараёнида фрезали барабанлар дала юзасидаги кесакларни майдалайди, фрезали барабаннинг ишлов бериш чуқурлиги босим пружинаси билан жихозланган винт ёрдамида созланади, парракли барабанлар ушбу майдаланган тупроқни парраклари билан олиб, орқага ташлайди, парракли барабаннинг тупроққа ботиш чуқурлиги босим пружинаси билан жихозланган винт ёрдамида созланади. Уруғ бункеридан уруғ нови орқали ёйилиб тушаётган уруғлар тўсиқдан қайтгандан сўнг парракли барабанлардан тушаётган тупроққа аралашиб, дала юзасига 1,5-2 см чуқурликка кўмилади. Шундан кейин эгат очкичлар билан суғориш эгатлари очилади ҳамда цилиндрик ғалтакмола уруғ экилган зонани текислайди ва зичлайди.

Фрезали ва парракли барабанлар тракторнинг қувват олиш валидан конуссимон редуктор, занжирли ва тишли узатмалар, экиш аппарати эса таянч ғилдираклари орқали ҳаракатга келтирилади (2-расм). Бунда фрезали барабанларнинг занжирли узатмаларидаги етакланувчи юлдузчалар таркибли бўлганлиги сабабли иш жараёнида уларнинг таркибидаги эластик элементлар деформацияланиб, қўшимча зарба кучларини ҳосил қилади. Бу эса кесакларни майдаланишини яхшилайдди.



1-рама; 2-фрезали барабан; 3-фреза пичоғи; 4-фрезали барабан ғилофи; 5, 10- пружина; 6-парракли барабан; 7-паррак; 8-П-шаклли ёйсимон ғилоф; 9-уруғ қутиси; 11-уруғ нови; 12-уруғ тўсгич; 13-ғалтакмола; 14-эгат очгич

1-расм. Комбинациялашган машинанинг технологик иш схемаси



1-карданли узатма; 2-конуссимон редуктор; 3, 7, 9, 11-занжирли узатмалар; 4, 6-вал; 5-очик цилиндрсимон тишли узатма; 8-парракли барабан; 10-фрезали барабан; 12-таянч ғилдирак; 13-уруғ қутисининг вали; 14-ғалтакмола

2-расм. Комбинациялашган машина секциясининг кинематик схемаси

Комбинациялашган машинанинг фрезали барабани иш жараёнида мураккаб ҳаракат қилади, яъни у машина билан илгариланма ва ўз ўқи атрофида айланма ҳаракатда бўлади. У пичоқларининг XOZ координаталар системасидаги (3-расм) ҳаракат тенгламаси қуйидагича бўлади

$$x = Vt + R_{\sigma} \cos \omega_{\sigma} t ; \quad (1)$$

$$z = R_{\delta} (1 - \sin \omega_{\delta} t), \quad (2)$$

бунда V – машинанинг ҳаракат тезлиги, м/с; t – вақт, с; R_{δ} – фрезали барабаннинг радиуси, м; ω_{δ} – фрезали барабаннинг бурчак тезлиги, рад/с.

Фрезали барабан узатиш механизмида таркибли етакланувчи юлдузчали занжирли узатма қўлланилганлигини инобатга олган ҳолда у пичоқларининг абсолют тезлиги ва тезланишлари қуйидагича бўлади

$$\begin{aligned}
 V_a = & \sqrt{\left(\frac{dx}{dt}\right)^2 + \left(\frac{dz}{dt}\right)^2} = \left\{ \left(V^2 - 2VR_{\delta} \sin \left(\frac{\omega_1 r_1 \cos \varphi_1}{r_2 \cos \varphi_2} t \right) \times \right. \right. \\
 & \left. \left. \times \left(\frac{\omega_1 r_1 \cos \varphi_1}{r_2 \cos \varphi_2} - \frac{\omega_1 r_1 \omega_2 \cos \varphi_1 \operatorname{tg} \varphi_2}{r_2 \cos \varphi_2} t \right) \right) - \right. \\
 & \left. - \left(R_{\delta}^2 \sin^2 \left(\frac{\omega_1 r_1 \cos \varphi_1}{r_2 \cos \varphi_2} t \right) \left(\frac{\omega_1 r_1 \cos \varphi_1}{r_2 \cos \varphi_2} - \frac{\omega_1 r_1 \omega_2 \cos \varphi_1 \operatorname{tg} \varphi_2}{r_2 \cos \varphi_2} t \right) \right)^2 + \right. \\
 & \left. + \left(R_{\delta}^2 \cos^2 \left(\frac{\omega_1 r_1 \cos \varphi_1}{r_2 \cos \varphi_2} t \right) \left(\frac{\omega_1 r_1 \cos \varphi_1}{r_2 \cos \varphi_2} - \frac{\omega_1 r_1 \omega_2 \cos \varphi_1 \operatorname{tg} \varphi_2}{r_2 \cos \varphi_2} t \right) \right)^2 \right\}^{\frac{1}{2}}; \quad (3) \\
 a_a = & \sqrt{\left(\frac{d^2 x}{dt^2}\right)^2 + \left(\frac{d^2 z}{dt^2}\right)^2} = \left\{ \left(-R_{\delta} \cos \left(\frac{\omega_1 r_1 \cos \varphi_1}{r_2 \cos \varphi_2} t \right) \times \right. \right. \\
 & \left. \left. \times \left(\frac{\omega_1 r_1 \cos \varphi_1}{r_2 \cos \varphi_2} - \frac{\omega_1 r_1 \omega_2 \cos \varphi_1 \operatorname{tg} \varphi_2}{r_2 \cos \varphi_2} t \right) \right)^2 + \right. \\
 & \left. + \left(V - R_{\delta} \sin \left(\frac{\omega_1 r_1 \cos \varphi_1}{r_2 \cos \varphi_2} t \right) \right) \left(-\frac{2\omega_1 r_1 \omega_2 \cos \varphi_1 \operatorname{tg} \varphi_2}{r_2 \cos \varphi_2} - \frac{\omega_1 r_1 \varepsilon_2 \cos \varphi_1 \operatorname{tg} \varphi_2}{r_2 \cos \varphi_2} t - \right. \right. \\
 & \left. \left. - \frac{\omega_1 r_1 \omega_2^2 \cos \varphi_1}{r_2 \cos \varphi_2} t + \frac{2\omega_1 r_1 \omega_2^2 \cos \varphi_1 \operatorname{tg}^2 \varphi_2}{r_2 \cos \varphi_2} t \right) \right)^2 + \left(R_{\delta} \sin \left(\frac{\omega_1 r_1 \cos \varphi_1}{r_2 \cos \varphi_2} t \right) \times \right. \\
 & \left. \times \left(\frac{\omega_1 r_1 \cos \varphi_1}{r_2 \cos \varphi_2} - \frac{\omega_1 r_1 \omega_2 \cos \varphi_1 \operatorname{tg} \varphi_2}{r_2 \cos \varphi_2} t \right) \right)^2 + \left(R_{\delta} \cos \left(\frac{\omega_1 r_1 \cos \varphi_1}{r_2 \cos \varphi_2} t \right) \right) \times \\
 & \left. \times \left(\frac{2\omega_1 r_1 \omega_2 \cos \varphi_1 \operatorname{tg} \varphi_2}{r_2 \cos \varphi_2} + \frac{\omega_1 r_1 \varepsilon_2 \cos \varphi_1 \operatorname{tg} \varphi_2}{r_2 \cos \varphi_2} t + \right. \right. \\
 & \left. \left. + \frac{\omega_1 r_1 \omega_2^2 \cos \varphi_1}{r_2 \cos \varphi_2} t - \frac{\omega_1 r_1 \omega_2^2 \cos \varphi_1 \operatorname{tg}^2 \varphi_2}{r_2 \cos \varphi_2} t \right) \right)^2 \right\}^{\frac{1}{2}}, \quad (4)
 \end{aligned}$$


бунда ω_1, ω_2 – мос равишда занжирли узатма етакловчи ва етакланувчи юлдузчаларининг бурчак тезликлари, рад/с; r_1, r_2 – мос равишда етакловчи ва етакланувчи юлдузчалар радиуслари, м; φ_1, φ_2 – мос равишда етакловчи ва етакланувчи юлдузчаларнинг бурилиш бучаклари, градус; ε_2 – етакланувчи юлдузчанинг бурчак тезланиши, рад/с².

(3) ва (4) ифодаларни таҳлили шуни кўрсатадики, фрезали барабан узатиш механизмида таркибли етакланувчи юлдузча қўлланганда иш жараёнида пичоқларининг абсолют тезланиши ўзгарувчан бўлиб, улар марказга интилма тезланишдан ташқари уринма тезланишга эга бўлади. Бу фреза пичоқлари билан кесак таъсирлашганда ўзгарувчан қўшимча куч ҳосил бўлишига ва уни яхши майдаланишига олиб келади.


Кесаклар фрезали барабан пичоқлари томонидан уларга бериладиган тик зарба ҳисобига майдаланади. 4-расмда келтирилган схема бўйича фрезали барабан пичоқларининг кесакларга тик урилиш тезлигини аниқлаймиз

$$V_z = V_0 \frac{\sqrt{2R_\phi h_\phi - h_\phi^2}}{R_\phi}, \quad (5)$$

бунда V_0 – фрезали барабаннинг айланма тезлиги, м/с; h_ϕ – ишлов бериш чуқурлиги, м.



3-расм. Фрезали барабан пичоқларининг ҳаракат тенграмасини тузишга доир схема



4-расм. Фрезали барабан пичоқларининг кесакларга тик урилиш тезлигини аниқлашга доир схема

(5) ифодани таҳлили шуни кўрсатдики, кесакларни талаб даражасида майдаланиши асосан фрезали барабан айланма тезлигини тўғри танлаш ҳисобига эришилар экан.

Фрезали барабан пичоқлари сони. Фрезали барабан пичоқлар ўрнатиладиган иккита дискка эга. Уларга пичоқлар бир томондан қарама-қарши равишда ўрнатилади. Илмий адабиётларда келтирилган маълумот-ларга асосланган ҳолда ҳар бир дискка ўрнатиладиган пичоқлар сони 4 та, фрезали барабанга ўрнатиладиган пичоқлар сонини эса 8 та қабул қилинди.

Пичоқ қадами. Бу параметр фрезали барабаннинг кесакларни майдалаш даражаси ва унинг энергияҳажмдорлигини белгиловчи энг муҳим параметрлардан ҳисобланади. Уни ортиши кесакларни майдаланиш даражаси ва энергияҳажмдорликни камайишига, камайиши эса уларни ортишига олиб келади. Адабиётларда келтирилган маълумотларга асосланган ҳолда пичоқ қадами 7-8 см оралиғида қабул қилинди.

Фрезали барабаннинг радиуси куйидаги ифода бўйича аниқланди

$$R_\phi \geq R_\phi + \Delta h_\phi + h_\phi, \quad (6)$$

бунда R_ϕ – фрезали барабан пичоқлари маҳкамланадиган дискнинг радиуси, м;

Δh_ϕ – пичоқлар маҳкамланадиган диск ва дала юзаси орасидаги тирқиш, м.

Фрезали барабаннинг айланма ҳаракатдаги чизиқли тезлигини аниқлаш учун у иш жараёнида кесакларни майдалаши шартидан қуйидаги ифода олинди

$$V_o \geq [\sigma_v] R_o \sqrt{\frac{(J + mR_o^2)}{3EJ\rho(1-k^2)(2R_o h_\phi - h_\phi^2)}}, \quad (7)$$

бунда $[\sigma_v]$ – берилган зарба таъсири остида кесакда ҳосил бўладиган кучланишнинг чегаравий қиймати, Па; J – фрезали барабаннинг инерция моменти, кгм²; m – кесакнинг ўртача массаси, кг; ρ – кесакнинг зичлиги, кг/м³; k – кесакнинг тикланиш коэффиценти; E – тупроқнинг эластиклик модули, Па.

Фрезали барабан иш режими қуйидаги ифода бўйича аниқланди

$$\lambda = 2\pi R_o / zS_\phi, \quad (8)$$

бунда z – битта дискдаги пичоқлар сони; S_ϕ – пичоқ қадами, м.

Фрезали барабаннинг илгариланма ҳаракатдаги тезлиги унинг айланма ҳаракатдаги чизиқли тезлиги ва иш режимининг маълум қийматлари бўйича аниқланди, яъни

$$v = v_o / \lambda. \quad (9)$$

Фрезали барабан пичоғи қанотининг ўрнатилиш бурчаги. Бу бурчак пичоқ қанотининг орқа томони иш жараёнида унинг тиғи ҳосил қилган траекторияга тегиб қолмаслиги шартидан аниқланди (5-расм),

$$\gamma = \arccos\left(\frac{1}{\lambda} + \frac{b_\phi}{2R_o}\right), \quad (10)$$

бунда b_ϕ – фрезали барабан пичоғи қанотининг эни, м.

$z=4$, $\Delta h_\phi=0,02$ м, $h_\phi=0,08$ м, $[\sigma_v]=3,5 \cdot 10^5$ Па, $E=1,9 \cdot 10^6$ Па, $\rho=1200$ кг/м³, $m=1,02$ кг, $k=0,3$, $J=0,11$ кгм², $R_o=0,2$ м, $b_\phi=0,04$ м қабул қилиниб, (6), (7), (8) (9) ва (10) ифодалар бўйича ўтказилган ҳисоблар фрезали барабаннинг радиуси 0,2 м, айланма ҳаракатдаги чизиқли тезлиги камида 6 м/с, иш режими 3,9-4,5 ораликда, илгариланма ҳаракатдаги тезлиги 1,5-2,0 м/с ораликда ва пичоқ қанотининг ўрнатилиш бурчаги 72°-74° ораликда бўлиши лозимлиги аниқланди.


Комбинациялашган машинанинг парракли барабани ҳам иш жараёнида мураккаб ҳаракат қилади, яъни машина билан илгариланма ва ўз ўқи трофида айланма ҳаракатда бўлади. Аммо у фрезали барабанга тескари йўналишда айланади (6-расм). Буни ҳисобга олганда унинг ҳаракат тенгламаси қуйидаги кўринишга эга бўлади

$$x_1 = Vt - R_n \cos \omega_n t; \quad (11)$$


$$z_1 = R_n (1 - \sin \omega_n t), \quad (12)$$

бунда R_n – парракли барабаннинг радиуси, м; ω_n – парракли барабаннинг бурчак тезлиги, рад/с.

Иш жараёнида парракли барабан парраклари ёрдамида тупроқни олиб орқа томонда ташлаб беради. Шунга асосан тупроқни парракнинг ишчи сиртидаги ҳаракатини кўриб чиқамиз.



5-расм. Фрезали барабан пичоғи қанотининг ўрнатилиш бурчагини аниқлашга доир схема



6-расм. Парракли барабанининг ҳаракат тенгламасини тузишга доир схема

Тупроқ бўлаги паррак билан таъсирлашганда унга қуйидаги кучлар таъсир этади (7-расм): $G=mg$ —оғирлик кучи, Н; $F_{мк} = m \omega_n^2 (r + x)$ — барабан ўз ўқи атрофида айланишидан ҳосил бўладиган марказдан қочма куч, Н; $F_{кор} = 2mg \omega_n \dot{x}$ — тупроқ бўлагини паррак бўйлаб нисбий ҳаракати ҳамда барабани ω бурчак тезлик билан айланишидан ҳосил бўлган Кориолис кучи, Н; $N = mg \sin \omega_n t + 2mg \omega_n \dot{x}$ — паррак ишчи сиртининг тупроқ бўлагига этувчи нормал реакция кучи, Н; $F_{ишк} = fN = f [mg \sin \omega_n t + 2mg \omega_n \dot{x}]$ — ишқаланиш кучи, Н; m — тупроқ бўлагининг массаси, кг; g — эркин тушиш тезланиши, м/с²; ω_n — парракли барабанининг бурчак тезлиги, рад/с; f — ишқаланиш коэффициентини; R_n — барабан радиуси, м; x — тупроқ бўлагини паррак бўйлаб кўчиш масофаси, м; \dot{x} — тупроқ бўлагини парракдаги нисбий тезлиги, м/с; t — вақт, с.

Кўрсатилган таъсир этаётган кучларни ҳисобга олганда тупроқ бўлагини паррак ишчи сирти бўйлаб ҳаракатини ифодаловчи дифференциал тенглама қуйидаги кўринишда бўлади

$$m\ddot{x} = m \omega_n^2 (R_n + x) + mg \cos \omega_n t - fmg \sin \omega_n t - 2mf \omega_n \dot{x} - fmk \dot{x}. \quad (13)$$

(13) ифода бўйича ўтказилган амаллар натижасида қуйидагига эга бўламиз

$$x = \left(R_n - \frac{2 \omega_n^2 R_n y_1 (1 + f^2) + g y_1 (1 - f^2) - 2 g \omega_n f}{2 \omega_n^2 (1 + f^2) (y_1 - y_2)} + \frac{g (1 - f^2)}{2 \omega_n^2 (1 + f^2)} \right) e^{y_1 t} + \left(\frac{2 \omega_n^2 R_n y_1 (1 + f^2) + g y_1 (1 - f^2) - 2 g \omega_n f}{2 \omega_n^2 (1 + f^2) (y_1 - y_2)} \right) e^{y_2 t} - \frac{g (1 - f^2)}{2 \omega_n^2 (1 + f^2)} \cos \omega_n t + \frac{gf}{(1 + f^2) \omega_n^2} \sin \omega_n t - R_n, \quad (14)$$


бунда y_1 ва y_2 - (13) ифода характеристик тенгламасининг илдизлари.

Тупроқни тўлиқ олиб кўтариб кетилишига паррақларни радиалга нисбатан маълум δ бурчакка буриб (барабан айланма тезлигининг йўналиши бўйича) ўрнатиш йўли билан эришиш мумкин (8-расм). Паррақлар тупроқни олиб


орқага ташлаб бериш жараёнини кўриб чиқамиз. Бунда парраклар тупроқдан чикқандан сўнг улардаги тупроқ ерга қайтиб тушиб кетмаслиги лозим. Тупроқни парракдан тушмаслик шарти қуйидаги кўринишга эга бўлади

$$f_n > \frac{\omega_n^2 R_n \cos \delta + g \cos \left[\arcsin \frac{\sqrt{h_n (2R_n - h_n)}}{R_n} + \delta \right]}{\omega_n^2 R_n \sin \delta + g \sin \left[\arcsin \frac{\sqrt{h_n (2R_n - h_n)}}{R_n} + \delta \right]}, \quad (15)$$

бунда f_n - тупроқнинг паррак ишчи сиртидаги талаб этилган ишқаланиш коэффициентини.



7-расм. Тупроқ заррасини паррак билан таъсирланишида ҳосил бўладиган кучлар



8-расм. Парракли барабаннинг парраги айланиш йўналиши бўйича оған ҳол

Парракли барабан парракларининг баландлигини уруғларни кўмилиш чуқурлигидан келиб чиққан ҳолда аниқлаймиз, чунки улар иш жараёнида уруғларни экилиш чуқурлигига тенг бўлган қалинликдаги тупроқни ковлаб олишлари лозим. Акс ҳолда уруғларни талаб даражасидаги чуқурликка кўмилиши таъминланмайди. Таъкидланганларга асосан

$$h_n = h_y + \Delta h_n, \quad (16)$$

бунда h_n – паррак баландлиги, м; h_y – уруғларни кўмилиш чуқурлиги, м; Δh_n – барабаннинг цилинрик қисми билан дала юзаси орасидаги тирқиш, м.

Ўтказилган тадқиқотларга асосан парраклар радиалга нисбатан 45° остида жойлаши керак экан. Паррак узунлиги қуйидагича аниқланади

$$h_{ny} = h_n / \sin \delta, \quad (17)$$

бунда δ – парракларни радиалга нисбатан ўрнатилиш бурчаги, градус.

$h_y=2-3$ см ва $\Delta h_n=1-2$ см қабул қиладиган бўлсак парракларнинг баландлиги ва узунлиги (16) ва (17) ифодалар бўйича мос равишда ўртача 4,0 см ва 5,7 см бўлиши лозимлиги келиб чиқади.

Парракли барабаннинг радиусини қуйидаги ифода бўйича аниқлаймиз

$$R_n = R_y + h_n, \quad (18)$$

бунда R_y – барабан цилинрик қисмининг радиуси, м.

Ўтказилган тажрибавий тадқиқот-ларимиз бўйича парракли барабан тупроқни узлуксиз ташлаб бериши учун $R_y=10$ см, юқорида таъкидлангани

бўйича эса $h_n=4$ см. Буларни (18) ифодага қўйиб парракли барабаннинг радиуси 14 см ва демак диаметри 28 см бўлиши лозимлигини аниқлаймиз.

Илгари бажарилган тадқиқотларга асосан парракли барабаннинг иш режими λ_n ни 1,1-1,5 оралиғида қабул қиламиз. Иш режимини кўрсатилган қийматдан кам бўлиши тупроқни барабан олдида уюлиб қолишига, катта бўлиши эса парраklar томонидан бериладиган зарба таъсирида уни сочилиб кетишига олиб келади.

Парракли барабан уруғларни белгиланган чуқурликка қўмиш технологик жараёнини таъминлайдиган **парраklarининг сони**ни аниқлаш учун қуйидаги ифода олинди

$$z_n \geq \frac{2 \pi R_n}{\lambda_n [\sqrt{(R_n - h_n)^2 \cos^2 \delta + (2 R_n - h_n) h_n} - (R_n - h_n) \cos \delta] k_3}, \quad (19)$$

бунда k_3 – парраklar томонидан тупроқни зичланишини ҳисобга олувчи коэффициент.

(19) ифодага R_n , λ_n , h_n ларни ҳамда δ бурчакни аниқланган қийматларини қўйиб ҳамда $k_3=1,4$ қабул қилиб, парракли барабаннинг парраklари сони камида 8 дона бўлиши лозимлигини аниқлаймиз.

Парракли барабаннинг айланишлар сони унинг айланма тезлиги ва радиусидан келиб чиққан ҳолда аниқланди ва 153-205 айл/мин қабул қилинди.

Комбинациялашган машинанинг ғалтакмолалари унинг фрезали ва парракли барабанлари томонидан ишлов берилган қатламни талаб даражасида зичлаб кетиши учун хизмат қилади.

Қуйидагилар ғалтакмоланинг асосий технологик ва констуктив параметрлари ҳисобланади.

Ғалтакмоланинг диаметри D_z ни уни олдида тупроқ уюлиб қолмаслиги шартидан қуйидагича аниқлаймиз

$$D_z \geq 2 h_0 / (1 - \cos \alpha_0), \quad (20)$$

бунда h_0 – ғалтакмоланинг тупроққа ботиш чуқурлигини, м; α_0 – тупроқ томонидан ғалтакмолани қамраб олиниш бурчаги, градус.

Ғалтакмоланинг олдида тупроқ уюлиб қолмаслиги учун уни қамраб олиниш бурчаги 20° дан катта бўлмаслиги керак. α_0 бурчак қийматини ҳамда $h_0=0,64-1,42$ см қийматини (20) ифодага қўйиб, ғалтакмоланинг диаметри камида 21,2 см бўлиши лозимлигини аниқлаймиз.

Ғалтакмолага бериладиган тик босим кучини аниқлаш учун қуйидаги ифодага эга бўлинди

$$Q_z = 0,5 q_0 b_z \left(\frac{1}{4} D_z^2 \arccos \frac{D_z - 2 h_0}{D_z} - \left(\frac{D_z}{2} - 2 h_0 \right) \sqrt{D_z h_0 - h_0^2} \right), \quad (21)$$


бунда q_0 – тупроқнинг ҳажмий эзилиш коэффициенти; b_z – ғалтакмоланинг қамраш кенлиги, м; D_z – ғалтакмоланинг диаметри, м.

D_z ва h_0 ларни юқорида келтирилган қийматларини ҳисобга олган ҳолда ҳамда $b_z=0,4$ м ва $q_0=2,2 \cdot 10^6$ Н/м³ қабул қилиб, (21) ифода бўйича ғалтакмолага 154-503 Н оралиғида босим кучи берилиши лозим эканлигини аниқлаймиз.

Диссертациянинг «Узатиш механизмида таркибли етакланувчи

юлдузчали занжирли узатмаси бўлган машина агрегатининг назарий тадқиқоти» деб номланган учинчи бобида узатиш механизми учун тавсия этилган занжирли узатмалар ва беш массали иккига тармоқланувчи машина агрегатининг назарий изланишлари келтирилган.

Комбинациялашган машинанинг битта секцияси беш массали иккига тармоқланувчи машина агрегат сифатида қаралди (9-расм). Бу ерда I – қувват олиш валининг редуктор чиқиш валига келтирилган умумий массаси, II – фрезали ва парракли барабанларга ҳаракат узатувчи валларнинг келтирилган массаси, III – парракли барабан вали массаси, IV – тавсия этилаётган узатма етакла-нувчи юлдузчаси валининг массаси, V – етакланувчи таркибли юлдузча асоси, фрезали барабан ва вални келтирилган массаси.



9-расм. Беш массали иккига тармоқланувчи машина агрегатининг ҳисоб схемаси

Узатиш механизмида етакланувчи юлдузчаси таркибли бўлган занжирли узатмали иккига тармоқланувчи беш массали машина агрегати массаларининг ҳаракат қонунларини ифодаловчи дифференциал тенгламалар системаси қуйидагича бўлади

$$M_{\omega_1} = M_{\omega_0} - K_{\omega_0} \frac{d\varphi_1}{dt};$$

$$\left[(J_{\epsilon_1} + J_{\kappa_1}) U_p^2 + J_{\epsilon_2} + J_{\omega_1} + J_{\kappa_2} \right] \cdot \frac{d^2 \varphi_1}{dt^2}; = M_{\omega_1} - M_{u_1} -$$

$$- C_1 (\varphi_1 - U_{12} \varphi_2) - \epsilon_1 \left(\frac{d\varphi_1}{dt} - U_{12} \frac{d\varphi_2}{dt} \right);$$

$$\left[(J_{\epsilon_3} + J_{\omega_2} + J_{m_1} + J_{\omega_3}) + (J_{\epsilon_4} + J_{\omega_5} + J_{m_2}) U_p^2 \right] \cdot \frac{d^2 \varphi_2}{dt^2} = U_{12} C_1 (\varphi_1 - U_{12} \varphi_2) -$$

$$- C_2 (\varphi_2 - U_{23} \varphi_3) - C_2 (\varphi_2 - U_{24} \varphi_4) + \epsilon_1 U_{12} \left(\frac{d\varphi_1}{dt} - U_{12} \frac{d\varphi_2}{dt} \right) -$$

$$- \epsilon_2 \left(\frac{d\varphi_2}{dt} - U_{23} \frac{d\varphi_3}{dt} \right) - \epsilon_2 \left(\frac{d\varphi_2}{dt} - U_{24} \frac{d\varphi_4}{dt} \right) - M_{u_2};$$

$$\begin{aligned}
& (J_n + J_{\epsilon 5} + J_{\gamma 4}) \cdot \frac{d^2 \varphi_3}{dt^2} = U_{23} C_2 (\varphi_2 - U_{23} \varphi_3) + \\
& + U_{23} \epsilon_2 \left(\frac{d\varphi_2}{dt} - U_{23} \frac{d\varphi_3}{dt} \right) - (M_{u_3} + M_n); \\
& \frac{J_{\gamma 6} d^2 \varphi_4}{dt^2} = U_{24} C_2 (\varphi_2 - U_{24} \varphi_4) - C_3 \left(\varphi_4 - \left(\frac{r_2 \cos(\varphi_2' + \Delta \varphi_2)}{r_1 \cos \varphi_1} \right) \varphi_5 \right) + \\
& + U_{24} \epsilon_2 \left(\frac{d\varphi_2}{dt} - U_{24} \frac{d\varphi_4}{dt} \right) - \epsilon_3 \left(\frac{d\varphi_4}{dt} - \left(\frac{r_2 \cos(\varphi_2' + \Delta \varphi_2)}{r_1 \cos \varphi_1} \right) \frac{d\varphi_5}{dt} \right) - M_{u_4}; \\
& (J_\phi + J_{\epsilon 6} + J_{\gamma 6}) \cdot \frac{d^2 \varphi_5}{dt^2} = \left(\frac{r_2 \cos(\varphi_2' + \Delta \varphi_2)}{r_1 \cos \varphi_1} \right) C_3 \left(\varphi_4 - \left(\frac{r_2 \cos(\varphi_2' + \Delta \varphi_2)}{r_1 \cos \varphi_1} \right) \varphi_5 \right) + \\
& + \left(\frac{r_2 \cos(\varphi_2' + \Delta \varphi_2)}{r_1 \cos \varphi_1} \right) \epsilon_3 \left(\frac{d\varphi_4}{dt} - \left(\frac{r_2 \cos(\varphi_2' + \Delta \varphi_2)}{r_1 \cos \varphi_1} \right) \frac{d\varphi_5}{dt} \right) - (M_{u_5} + M_\phi), \quad (24)
\end{aligned}$$

